

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.ФМ/Т.02.09  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ЯХШИБОВ ШЕРЗОД РУСТАМКУЛОВИЧ**

**УЧ ҚАТЛАМЛИ ҚОВУШОҚ-ЭЛАСТИК ПЛАСТИНКАНИНГ  
АНТИСИММЕТРИК ТЕБРАНИШЛАРИ**

**01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on physical-mathematical sciences**

**Яхшибоев Шерзод Рустамкулович**

Уч қатламли қовушоқ-эластик пластинканинг антисимметрик

тебранишлари ..... 3

**Яхшибоев Шерзод Рустамкулович**

Антисимметричные колебания трехслойных вязкоупругих пластин..... 21

**Yakhshiboyev Sherzod Rustamkulovich**

Antisymmetric vibrations of three layered viscoelastic plate ..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 41

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.ФМ/Т.02.09  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ЯХШИБОВ ШЕРЗОД РУСТАМКУЛОВИЧ**

**УЧ ҚАТЛАМЛИ ҚОВУШОҚ-ЭЛАСТИК ПЛАСТИНКАНИНГ  
АНТИСИММЕТРИК ТЕБРАНИШЛАРИ**

**01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/FM444 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Худойназаров Хайрулла**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абиров Рустам Абдуллаевич**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Худаяров Бахтиёр Алимович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.FM/T.02.09 рақамли илмий кенгашнинг 2021\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15. Тел:(99866) 239-11-40; Факс: (99866) 239-11-40; E-mail: [sasu\\_info@edu.uz](mailto:sasu_info@edu.uz).)

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 Тел: (99866) 239-11-40; Факс: (99866) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.И.Халмурадов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

**Х.М.Буранов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
физика-математика фанлари номзоди, доцент

**К.Исмайилов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда қурилиш ва техниканинг турли жабҳаларида қўлланиладиган муҳандислик қурилмаларининг кўп қатламли элементлари динамикасини тадқиқ этишда, жумладан, уларнинг динамик деформацияланиши ҳисобининг экспериментга яқин янги моделларини яратишда, юқори самарали математик моделлар ва замонавий сонли усулларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида бир қатор Япония, Буюк Британия, Франция, Исроил, АҚШ, Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерацияси каби ривожланган ва бошқа мамлакатларида муҳандислик конструкциялари мустаҳкамлигини ошириш учун кўп қатламли конструктив элементлардан фойдаланилмоқда ва уларнинг динамик характеристикаларини ҳисоблашда эффектив методлар қўлланилмоқда. Шу сабабли ишлатилиш соҳаси турлича қурилмаларнинг муҳандислар ва тадқиқотчилар олдига қўяётган замонавий талаблари доирасида конструкцияларнинг мустаҳкамлиги ва устиворлиги таъминланиши баробарида янгидан яратилган муҳандислик қурилмалари амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан лойиҳалаш усулларини такомиллаштириш ва компьютер техникаси ёрдамида ривожлантириш учун авиасозлик, кемасозлик, машинасозлик ва қурилишда, конструктив элементларнинг кучланган-деформацияланган ҳолати (КДХ)ни ўрганиш, қурилмалар мустаҳкамлигини таъминлаш муаммоларини тизимлаштириш усулларида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда, бугунги кунда, юқорида санаб ўтилган муаммолар бўйича янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, қатламли конструкциялар таркибий қисмларининг ностационар тебранишларини, жумладан, турли ташқи ностационар динамик юклар таъсиридаги қатламли пластинкалар динамикаси масалаларида-муҳандислик қурилмаларининг мустаҳкамлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларда, импульсив ва сейсмик таъсирлар остидаги қатламли конструктив элементлар ҳисобида мавжуд математик моделлар ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ва янгиларини яратишга ҳамда аэрокосмик, ер усти, ер ости ва бошқа муҳандислик конструкциялари элементларнинг КДХ ларини юқори аниқликда топишга имкон берувчи алгоритмларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда техника ва қурилишнинг турли соҳаларида ҳар хил табиатли динамик юклар таъсири остидаги юк ташувчи ва кўтарувчи муҳандислик қурилмалари деформациясини ҳисоблаш математик моделини яратиш ва амалиётга кенг тадбиқ этиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш..., ... тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий

этиш ...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгиб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, қурилмаларнинг юк кўтариш қобилиятларини, жумладан уч қатламли қовушоқ-эластик пластинкалар ёрда-мида амалга ошириш мақсадида қурилмалар элементларининг деформацияланиш жараёнларини ифодаловчи такомиллаштирилган математик моделларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада ривожлантириш чора-тадбирларини тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 2 февралдаги ПҚ-3502-сон «2018-2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолият соҳасига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда ва хорижий юртларда авиасозлик, кемасозлик, ҳарбий иш, фуқаро қурилиши каби турли соҳаларда қатламли композит, жумладан, уч қатламли пластинкалар кенг қўлланилади. Аксарият ҳолларда пластинкаларнинг динамик ҳисоби Кирхгоф гипотезаларига асосланган классик назария асосида бажарилади. Аммо классик назария пластинканинг КДХ компоненталарини тўлиқ ҳисоблаш имконини бермайди. Шунинг учун бу назарияни ривожлантириш устида жуда кўп олимлар иш олиб борган ва бу ишлар бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Классик назариянинг қатламли конструкциялар бўйича ривожчи С.Г.Лехницкий, Е.Reysner, С.А.Амбарцумян, И.Г.Филиппов, Х.Алтенбах, Э.И.Григолюк, В.П.Шевченко, М.В.Фоменко, М.Мирсаидов, Р.И.Халмурадов, Х.Х.Худойназаров, М.К.Усаров, А.Б.Ахмедов, Р. Абдукаримов ва бошқа бир қатор таниқли олим ва тадқиқотчилар томонидан амалга оширилмоқда. Пластинка ва қобиқларнинг динамик ҳисобини, ёки бошқача айтганда тебранишлар аниқлаштирилган назарияларини яратиш бўйича тадқиқотлар икки қатта йўналишга оид. Булардан биринчиси асимптотиклик назария ҳамда Тимошенко ва Рейсснер типидagi назарияларни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ишлаб чиқиш бўлса, иккинчиси кейинги бир неча ўн йилликларда эластиклик назарияси уч ўлчовли масаласининг аниқ ечимларидан фойдаланишга асосланган пластинка тебранишлари назарияларини яратишдан иборат. Кейинги усулнинг бир жинсли ва кўп қатламли эластик ва қовушоқ-эластик пластинкалар учун яроқли турли вариантлари профессор И.Г.Филиппов ва унинг ўқувчилари томонидан ишлаб чиқилган. Кўрсатилган метод билан профессорлар Г.И.Петрашень ва И.Г.Филипповлар, ҳамда уларнинг бир қатор ўқувчилари томонидан бир жинсли (бир қатламли) ва қатламли эластик ва қовушоқ-эластик пластинкаларнинг тебранишлари назариялари таклиф этилган. Назарияларни ишлаб чиқишда, бир қатор мутахассислар фикрига кўра бир нечта камчиликларга йўл қўйилган, хусусан:

чегаравий шартлар пластинка ички қатламларидан бирининг ўрта сирти нуқталари кўчишларининг бош қисмларига нисбатан шакллантирилган. Бу нарса умуман тўғри эмас, чунки ташқи юклар пластинканинг ташқи сиртларига қўйилган бўлади;

номаълум изланувчилар сифатида пластинка ички қатламларидан бирининг ўрта сирти нуқталари кўчишларининг бош қисмлари қабул қилинади (уч қатламли пластинка ҳолида ўрта сирт сифатида тўлдирувчи қатламнинг ўрта сирти олинади). Ушбу бош қисмлар сони кўчишлар сонига пропорционал бўлиб умумий ҳолда олтитадан ошмаслиги керак. Лекин агар чегаравий шартлар аниқ шакллантирилса, яъни улар пластинка ташқи сиртлари кўчишларининг бош қисмларига нисбатан ёзилса, номаълумлар сони ўн иккитани ташкил этади. Бу эса ўз навбатида уларни аниқлаш учун қўлланиладиган дифференциал ёки интегро-дифференциал тенгламалар сонининг ошишига ва уларни ечиш билан боғлиқ қатор математик муаммоларга олиб келади. Ушбу ҳолат авторларнинг ўзлари томонидан ҳам тан олинган;

қўлланилган ёндошувлар қабул қилинган ўрта сиртга нисбатан фақат симметрик структурали қатламли пластинкаларни тадқиқ қилиш имконини беради;

пировард натижада кўрсатиб ўтилган факторлар муаллифларни турли хил муҳим соддалаштиришлардан фойдаланишга мажбур қилганки, оқибатда натижавий тебранишлар тенгламалари бир жинсли пластинка тебраниш тенгламаларидан катта фарқ қилмайдиган тенгламаларга келиб қолган.

Баён қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда эластик-қовушоқлик хоссалари ҳисобга олинган ва турли ташқи динамик юкланишлар таъсири остидаги қатламли элементларнинг, хусусан, уч қатламли қовушоқ-эластик пластинкаларнинг ностационар тебранишлари назарияси, тебраниш ва устиворлик масалаларини ечиш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдаги муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №18.04.00-6 рақамли

«Қурилиш конструкцияларини муҳитнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда биржинсли бўлмаган, чизиклимас, қовушоқ-эластик хусусиятли, динамикаси, зилзилабардошлиги ҳамда устиворлиги масалаларини назарий ва амалий тадқиқ этиш» (2000-2020) мавзудаги тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** уч қатламли қовушоқ-эластик пластинканинг ностационар кўндаланг тебранишлари динамик ҳисобининг ташқи динамик юклар таъсирини ҳисобга олувчи янги математик моделини ишлаб чиқиш; пластинка ихтиёрий кўндаланг кесими нуқталарининг кучланган-деформацияланган ҳолатини аниқлаш алгоритмининг яратиш; ишлаб чиқилган усулни импульсив ва бошқа юкланишлар таъсири остидаги уч қатламли пластинкаларни ҳисоблаш ҳолатларига қўллашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

эластиклик назариясининг қатламли пластинкалар антисимметрик тебранишлари учун шакллантирилган уч ўлчовли масаласининг умумий ечимидан фойдаланиб, ташқи динамик юклар таъсири остидаги уч қатламли қовушоқ-эластик пластинканинг ностационар антисимметрик тебранишлари янги математик моделинини яратиш;

уч қатламли қовушоқ-эластик пластинка исталган қатламининг ихтиёрий нуқтасидаги кучланиш тензори ва кўчиш вектори компоненталарини талаб этилган аниқликда топиш аналитик усулини ишлаб чиқиш;

динамик юкланишлар таъсири остидаги уч қатламли пластинка тебранишлари учун янги амалий масалалар қўйиш ва мос ҳисоб усулини ишлаб чиқиш. Ҳар хил чегаравий шартларда уч қатламли пластинканинг гармоник тебранишлари ва динамик юклар таъсиридаги мажбурий тебранишлари ҳақидаги хусусий масалаларни ечиш усулларини яратиш;

қовушоқ-эластик пластинка қатламлари геометрик ва физик-механик характеристикаларининг кўндаланг кесим ихтиёрий нуқтасидаги кучланган-деформацияланган ҳолатининг координата ва вақтдан боғлиқ қонуниятларига таъсирини тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қурилиш ва замонавий техниканинг турли соҳаларида кўп қўлланиладиган қовушоқ-эластик уч қатламли пластинка олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** турли, вақтга боғлиқ ўзгарувчи юкланишлар таъсиридаги қовушоқ-эластик уч қатламли пластинка динамикасини ўрганиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида асосий тадқиқот усули сифатида ёрдамчи гипотеза ва аксиомалардан фойдланмасдан эластиклик назарияси уч ўлчовли масаласининг аниқ ечимларига асосланган усул, Фуре ва Лапласнинг интеграл алмаштиришлар усуллари, ҳамда математик физиканинг тадқиқотчилар томонидан кўп маротаба синалган бошқа аналитик ва сонли усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

уч қатламли қовушоқ-эластик пластинканинг кўндаланг тебранишлари учун, ташқи динамик (импульсли, сейсмик, зарба тўлкини) таъсирларни ҳисобга олувчи ҳамда аниқлаштирилган тебраниш тенгламалари ва пластинка нуқталари КДХ ни бир қийматли ҳисоблаш алгоритмларини ўз ичига олган янги математик модели ишлаб чиқилган;

пластинка қовушоқ-эластик қатламлари ихтиёрий кўндаланг кесимларидаги кучланишлар ва кўчишлар майдонларини фазовий координата ва вақт бўйича талаб этилган аниқликда ҳисоблаш самарали усули яратилган;

қовушоқ-эластиклик хусусиятли уч қатламли пластинка антисимметрик тебранишлари янги амалий масалалари қўйилган ҳамда унинг гармоник тебранишлари ва динамик юклар таъсиридаги мажбурий тебранишлари ҳақидаги хусусий масалалар ечилган;

қовушоқ-эластик пластинка қатламлари геометрик ва физик-механик характеристикаларининг кўндаланг кесим ихтиёрий нуқтасидаги кучланиш тензори ва кўчиш вектори компоненталарининг координата ва вақтдан боғланиш қонуниятларига таъсири қатор амалий масалалар мисолида тадқиқ этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ташқи динамик таъсир остидаги уч қатламли қовушоқ-эластик пластинканинг кўндаланг тебранишларини тадқиқ қилиш математик амалий модели таклиф этилди. Модель тебраниш тенгламаларини келтириб чиқариш ва КДХ ни бир қийматли аниқлаш алгоритминини ўз ичига олган;

ўрта қатлами эластик ва қовушоқ-эластик пластинка частоталарининг тўлқин сонидан боғлиқ ўзгариш қонуниятини ўрганиш натижалари, ҳамда четлари маҳкамланган уч қатламли пластинканинг ностационар кўндаланг тебранишлари амалий масаласининг ечими таклиф этилди;

пластинканинг ностационар кўндаланг тебранишларида унинг қатламлари кучланган-деформацияланган ҳолатини характерловчи параметрларнинг фазовий координата ва вақтдан боғлиқ графиклари олинди;

гармоник қонуният асосида ўзгарувчи ташқи импульсив таъсир остидаги уч қатламли пластинкалар динамикасини амалий математик пакетлар ёрдамида ҳисоблашга имкон берувчи сонли ҳисоб алгоритми қўлланилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Замоनावий қурилиш ва техниканинг амалий эҳтиёжлари замирида шаклланган масалаларнинг диссертация ишида олинган ечимлари, тадқиқотчилар томонидан жуда кўп марта боғланишдан ўтказилган ишончли, математик ва сонли, аниқ усулларни қўллаш натижасида олинган. Таклиф этилган тебранишлар тенгламалари ва уларнинг аналитик ҳамда сонли ечимларининг ишончлилиги систематик текширишлар, бошқа ўхшаш тадқиқотлар натижалари билан солиштириш, ҳамда хусусий ҳолда бир жинсли пластинка учун Кирхгофф ва R.D. Mindlin назариялари асосида олинган натижалар билан таққослаш орқали изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уч қатламли қовушоқ-эластик пластинкалар

кўндаланг (антисимметрик) тебранишлари аниқлаштирилган тенгламаларини келтириб чиқариш методикасини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш; импульсив юклар таъсири остидаги уч қатламли эластик ва қовушоқ-эластик пластинкаларнинг антисимметрик тебранишлари ҳақидаги янги амалий масалаларни ечиш ҳамда ишлаб чиқилган усулларни четлари турлича маҳкамланган пластинка ва хусусан икки қатламли ва бир жинсли пластинкалар учун умумлаштириш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ташқи динамик юклар таъсири остидаги уч қатламли эластик ва қовушоқ-эластик пластинкаларнинг антисимметрик тебранишларида КДХ параметрларини аниқлаш амалий масалаларини ечиш учун аналитик-сонли алгоритмлар яратиш; олинган натижалар умумий ҳарактерга ега бўлиб уларни математик физиканинг шу турдаги масалалари учун умумлаштириш; хусусий ҳолларга, масалан икки қатламли ва бир жинсли пластинкаларнинг реологик, анизотропик ва бошқа хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Уч қатламли қовушоқ-эластик пластинканинг антисимметрик тебранишлари ҳақидаги амалий масалалар бўйича олинган натижалар асосида:

икки бетон юк кўтарувчи ва енгил тўлдирувчи қатламлардан иборат уч қатламли пластинканинг, пластинка текислигига тик йўналишдаги энг катта кучланишлар таъсир қилиш нуқталарини аниқлаш методикаси «Мунис Строй Сервис» МЧЖ да пластинка-плитани шундай нуқталарда кўшимча арматуралар билан мустаҳкамлаш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзсаноатқурилишматериаллари» Уюшмасининг 2020 йил 16 ноябрдаги 05/15-3593-сон маълумотномаси). Натижада пластинканинг бетон қатламларини тайёрлашга сарфланадиган бетон сарфи 15-17% га тежалди;

энг катта кучланишлар таъсир қилаётган нуқталардаги максимал эгилишларни ҳисоблаш «Мунис Строй Сервис» МЧЖ да уч қатламли пластинканинг шундай нуқталаридаги деформацияланган ҳолатини баҳолаш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзсаноатқурилишматериаллари» Уюшмасининг 2020 йил 16 ноябрдаги 05/15-3593-сон маълумотномаси). Натижада бундай нуқталардаги эгилишни камайтириш ҳисобидан пластинка-плитанинг юк кўтариш қобилияти 10-12% га ошган;

устиворлик шартларини сақлаган ҳолда, уч қатламли пластинканинг устиворлигини маълум критериялари бўйича баҳолаш «Univer Pro Stile» МЧЖда пластинка кесимларидаги нормал  $\sigma_{zz}$  кучланишлар майдонини аниқлаш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзсаноатқурилишматериаллари» Уюшмасининг 2020 йил 16 ноябрдаги 05/15-3593-сон маълумотномаси). Натижада сарф қилинадиган материаллар 7-9% гача миқдорда тежалган;

уч қатламли эластик пластинка юк кўтарувчи ва тўлдирувчи қатламларининг ишлаш хусусиятлари ҳисобга олинган аниқлаштирилган ҳисоб модели

«Univer Pro Stile» МЧЖ да лойиҳалаш ишларида пластинка қатламларидаги зўриқишлар ва моментларни аниқлаш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзсаноатқурилишматериаллари» Уюшмасининг 2020 йил 16 ноябрдаги 05/15-3593-сон маълумотномаси). Натижада қатламлилиқ пластинканинг эгилишга қарши яхшироқ ишлашини таъминлаши аниқланган ва уни ҳисобга олиш конструкциянинг юк кўтариш қобилиятини 10-12% оширишга олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган. Шунингдек, диссертация иши натижалари тўлиқ ҳажмда Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги “Механика муаммолари” (т.ф.д., проф., академик М.Мирсаидов), Самарқанд архитектура-қурилиш институтининг бирлашган “Механика муаммолари” (т.ф.д., проф. К. Исмоилов) ҳамда Самарқанд давлат университети, Назарий ва амалий механика кафедрасининг (т.ф.д., проф. Х.Худойназаров) илмий семинарларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола (жумладан, 3 та республика, 2 та хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Диссертация ишининг кириш қисмида** тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати тўғрисида маълумотлар келтирилган, ишнинг мақсади, ҳал қилиниши керак бўлган асосий муаммолар баён қилинган, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий илмий янгиликлари тавсифланган ва санаб ўтилган. Ишда олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, диссертация натижалари маъруза қилинган конференция ва семинарлар сони ва даражалари келтирилган, ишнинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг **”Қатламли қовушоқ-эластик пластинкалар ностационар тебранишлари. Муаммонинг ҳозирги замон ҳолати”** деб номланган биринчи боби муҳандислик қурилмалари элементлари, хусусан қатламли стерженлар, пластинкалар ва қобиклар каби ҳамда юпқа деворли эластик жисмлар тебранишлари ва мувозанат ҳолатини ўрганишга бағишланган адабиётларнинг умумий шарҳига, диссертация иши доирасида олиб бориладиган кейинги тадқиқотлар учун умумий дастурни ишлаб чиқишга, ҳамда қовушоқ-эластик жисм учун асосий ҳаракат тенгламаларини танлашга бағишланган.

*Биринчи параграфда* диссертация иши мавзуси бўйича илмий мақолаларни ўрганиш натижасида кўп қатламли пластинка, қобиклар ва стерженлар динамикаси бўйича тадқиқотларнинг умумий шарҳи ёритилган. Бунда асосий эътибор муҳандислик қурилмаларининг кўп қатламли элементларига, хусусан икки ва уч қатламли пластинкалар тебранишлари берилган.

Бундан ташқари диссертация иши билан бевосита боғлиқ бўлган мақолалар билан биргаликда ўзбек олимларининг, хусусан академиклар Т.Р.Рашидов, Т.Ш.Ширинкулов, М.Мирсаидов ва профессорлар К.С.Султанов, Т.Мавлонов, А.Б.Ахмедов, Б.Мардонов, М.К.Усаров, Р.Абдукаримов ва бошқаларнинг ишлари ўрганиб чиқилган ва таҳлил қилинган.

Муҳандислик конструкциялари кўп қатламли элементлари тебранишларига оид катта миқдордаги адабиётлар манбалари таҳлил қилинди. Натижада, кўп қатламли муҳандислик элементлари назарияси кўплаб муаммолари хусусан, уч қатламли ва кўп қатламли пластинка ва қобиклар назариялари етарлича ривожланмаганлиги қайд этилди. Уч қатламли пластинкалар динамикасини ҳисоблаш усулларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ностационар тебранишларига тегишли амалий масалаларни ҳал қилиш керак деган хулосалар чиқарилди.



1-Расм Уч қатламли пластинка элементи ва унга қўйилган ташқи юклар

*Бобнинг иккинчи параграфи* диссертация иши доирасида тадқиқ қилинадиган уч қатламли қовушоқ-эластик пластинканинг тебранишлари уч ўлчовли масаласининг асосий муносабатларига бағишланган. Ўлчамлари чексиз бўлган уч қатламли қовушоқ-эластик пластинкани умумий ҳолда уч ўлчовли фазода қараймиз. Пластинкани  $Oxyz$  тўғрибурчакли декарт координат системасига жойлаштирамиз (1-расм). Бунда  $Ox$  ва  $Oy$  ўқларни ўзаро перпендекуляр кўндаланг кесимларининг ўрта чизиклари бўйлаб йўналтирамиз,  $Oz$  – ўқини эса юқорига,  $Oxy$  пластинка текислигига перпендикуляр йўналтирамиз. Пластинка қатламларини худди 1-расмдагидек рақамлаб чиқамиз, яъни юқори юк кўтарувчи қатламни биринчи қатлам деб, қуйи юк кўтарувчи қатламни – иккинчи, ўрта қатламни ёки тўлдирувчини эса нолинчи қатлам деб атаймиз.

Қатламлар қалинликларини мос равишда  $h_1$ ,  $2h_0$  ва  $h_2$  лар орқали; қатламлар материаллари Ламе коэффициентларини -  $\lambda_m, \mu_m$  лар орқали; қатламлар материалларининг зичликларини -  $\rho_m$  лар орқали белгилаймиз. Шунингдек қатламлар ( $m = 0,1,2$ ) нуқталарининг координат ўқлари бўйлаб кўчишларини  $U_m(x, y, z, t)$ ,  $V_m(x, y, z, t)$ ,  $W_m(x, y, z, t)$  лар орқали белгилаймиз. Қатламлар нуқталарининг кучланишлар ва деформациялар тензорлари компоненталари учун қуйидаги умумқабул қилинган белгилашларни ишлатамиз:  $\sigma_{ii}^{(m)}$  – нормаль

кучланишлар;  $\tau_{ij}^{(m)}$  – уринма кучланишлар;  $\varepsilon_{ii}^{(m)}$  – чўзилиш деформациялари;  $\gamma_{ij}^{(m)}$  – бурчак деформациялари;  $\varepsilon^{(m)} = \varepsilon_{xx}^{(m)} + \varepsilon_{yy}^{(m)} + \varepsilon_{zz}^{(m)}$  – хажмий деформация;  $i, j = x, y, z$ . Қатламлар материалларининг қовушоқ-эластиклик хоссалари қуйидаги интеграл операторлар билан ҳисобга олинади:

$$R_{(\lambda, \mu)_m}(\zeta) = (\lambda_m, \mu_m) \left[ \zeta(t) - \int_0^t K_{(\lambda, \mu)_m}(t - \tau) \zeta(\tau) d\tau \right], \quad (1)$$

бу ерда  $K_{\lambda_m}(\tau)$ ,  $K_{\mu_m}(\tau)$  –  $R_{\lambda_m}$  ва  $R_{\mu_m}$  қовушоқ-эластиклик операторларининг қатламлар материаллари хоссаларига боғлиқ бўлган ядролари ( $m = 0, 1, 2$ ). Бунда  $R_{\lambda_m}$  ва  $R_{\mu_m}$  ( $m = 0, 1, 2$ ) – қайтар (обратимый) операторлар,  $K_{\lambda_m}(\xi)$  ва  $K_{\mu_m}(\xi)$  ядролар эса – ихтиёрий. Пластинка қатламлари нуқталарида кучланишларнинг деформациялардан боғлиқлиги қуйидаги Больцман интеграл муносабатлари кўринишидаги чизиқли операторлар орқали ифодаланади:

$$\sigma_{ii}^{(m)} = R_{\lambda_m}(\varepsilon^{(m)}) + 2R_{\mu_m}(\varepsilon_{ii}^{(m)}); \quad \tau_{ij}^{(m)} = R_{\mu_m}(\gamma_{ij}^{(m)}); \quad (i, j = 1, 2, 3; i \neq j), \quad (2)$$

$$\varepsilon^{(m)} = \varepsilon_{11}^{(m)} + \varepsilon_{22}^{(m)} + \varepsilon_{33}^{(m)}; \quad (m = 0, 1, 2).$$

Пластинка нуқталарининг ҳаракат тенгламалари қатламлар кўчиш  $\vec{v}^{(m)}$  векторларини скаляр  $\varphi_m$  ва вектор  $\vec{\psi}_m$  потенциаллар орқали ифодалаб қуйидаги интегро-дифференциал тенгламаларга келтирилган

$$R_m(\Delta \varphi_m) = \rho_m \frac{\partial^2 \varphi_m}{\partial t^2}, \quad R_{\mu_m}(\Delta \vec{\psi}_m) = \rho_m \frac{\partial^2 \vec{\psi}_m}{\partial t^2}, \quad (3)$$

$$R_m = R_{\lambda_m} + 2R_{\mu_m}, \quad \Delta = \frac{\partial^2}{\partial x^2} + \frac{\partial^2}{\partial y^2} + \frac{\partial^2}{\partial z^2}, \quad (m = 0, 1, 2).$$

Киритилган скаляр ва вектор потенциаллар орқали кўчиш векторлари, кучланиш ва деформация тензорларининг ҳамма компоненталари ифодаланган формулалар олинган.

Вақтнинг  $t < 0$  бўлган қийматларида пластинка тинч (мувозанат) ҳолатда бўлади,  $t = 0$  вақт momentiда юк кўтарувчи қатламларнинг ташқи текисликларига динамик кучлар таъсир этиб бошлайди деб фараз қилинади. Бошқача айтганда чегаравий шартлар қуйидаги кўринишда берилган деб ҳисобланади

$$\tau_{xz}^{(i)}(x, y, z, t) \Big|_{z=\pm h_i^*} = \pm F_{xz}^{(i)}(x, y, t); \quad \tau_{yz}^{(i)}(x, y, z, t) \Big|_{z=h_i^*} = \pm F_{yz}^{(i)}(x, y, t);$$

$$\sigma_{zz}^{(i)}(x, y, z, t) \Big|_{z=\pm h_i^*} = \pm F_z^{(i)}(x, y, t), \quad (i = 1, 2). \quad (4)$$

Бошланғич шартлар нол, яъни  $t = 0$  пайтда

$$\varphi_m = \psi_{km} = \frac{\partial \varphi_m}{\partial t} = \frac{\partial \psi_{km}}{\partial t} = 0, \quad (m = 0, 1, 2). \quad (5)$$

Чегаравий (4) ва бошланғич (5) шартлардан ташқари, тўлдирувчи қатламнинг юк кўтарувчи қатламлар билан қуйи ва юқори контакт текисликларида динамик ва кинематик контакт шартлар қўйилган. Қўйилган масалани ечиш учун потенциал функцияларга интеграл алмаштиришлар қўлланилган ва потенциал функцияларнинг тасвирлари учун Бессел функциялари системаси олинган. Кўчиш векторлари, кучланиш ва

деформация тензорларининг барча компоненталари бу тенгламаларнинг умумий ечимлари орқали ифодаланган.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида уч қатламли қовушоқ-эластик пластинканинг кўндаланг (антисимметрик) тебранишлари ҳақидаги масала қўйилган ва унинг ечими берилган. Масаланинг умумий ечимдаги номаълумлар сонини камайтириш ва у билан боғлиқ математик муаммолар даражасини пасайтириш учун, ҳамда пластинка ўлчамларининг чегараланмаганлигидан фойдаланиб уни текис деформация ҳолатида деб ҳисоблаймиз. Текис деформацияда пластинка қатламлари нуқталарининг кўчиш векторларини қуйидагича тасвирлаймиз:

$$\vec{U}^m = U_m \vec{i} + W_m \vec{k}; \quad U_m = U_m(x, z, t); \quad W_m = W_m(x, z, t),$$

бу ерда  $\vec{i}$ ,  $\vec{k}$  – киритилган координат системасининг базис векторлари. Потенциал функцияларини

$$\varphi_m = \varphi_m(x, z, t), \quad \vec{\psi}_m = \psi_m(x, z, t) \vec{j}$$

каби киритамиз, бу ерда  $\vec{j}$  –  $Oz$  ўқининг бирлик вектори. У ҳолда (3) нинг иккинчи вектор тенгламаси  $\psi_m(x, z, t)$  ларга нисбатан учта скаляр тенгламаларга ўтади ва натижада  $\varphi_m$  ва  $\psi_m$  ларга нисбатан олти тўлқин тенгламаларига ўтади ва Лаплас оператори қуйидаги кўринишни олади  $\Delta = \partial^2 / \partial x^2 + \partial^2 / \partial z^2$ . Кўчишлар векторларининг ҳамда деформациялар ва кучланишлар тензорларининг компоненталарини киритилган потенциал функциялар орқали ифодалаш қийин эмас. Масалан

$$U_m = \frac{\partial \varphi_m}{\partial x} - \frac{\partial \psi_m}{\partial z}; \quad W_m = \frac{\partial \varphi_m}{\partial z} + \frac{\partial \psi_m}{\partial x}, \quad (m = 0, 1, 2). \quad (6)$$

Қовушоқ-эластиклик назариясининг чизиқлилигидан ташқи таъсирларни умумий кўринишда тасвирлаш мумкин. У ҳолда, унга мос равишда кўчишларни ҳам бўйлама ва кўндаланг қисмларининг йиғиндиси сифатида тасвирлаш мумкин бўлади, яъни  $\vec{U}_m = \vec{U}_m^\sigma + \vec{U}_m^\kappa$ . Бу ерда  $\vec{U}_m^\sigma$ ,  $\vec{U}_m^\kappa$  - лар пластинка қатламлари нуқталари кўчишларининг, мос равишда бўйлама ва кўндаланг қисмлари. Бундай ҳолда  $\vec{U}_m$  - йиғинди майдонлар (4) чегаравий шартларни қаноатлантирадилар. Йиғинди майдонларнинг антисимметрик қисмлари эса қуйидаги шартларни қаноатлантиришлари лозим, яъни бу ҳолда (4) чегаравий шартлар қуйидаги шаклни олишлари керак

$$\begin{aligned} \tau_{xz}^{(i)}(x, z, t) \Big|_{z=(-1)^{i-1} h_i^*} &= f_x^i(x, t); & \sigma_{zz}^{(i)}(x, z, t) \Big|_{z=(-1)^{i-1} h_i^*} &= (-1)^{i-1} f_z^i(x, t); \\ \tau_{yz}^{(i)}(x, z, t) \Big|_{z=(-1)^{i-1} h_i^*} &= 0; & h_i^* &= h_0 + h_i, \quad (i = 1, 2), \end{aligned} \quad (7)$$

бу ерда

$$f_x^{(1)}(x, t) = f_x^{(2)}(x, t) = \frac{1}{2} (F_{xz}^{(1)} - F_{xz}^{(2)}), \quad f_z^{(1)}(x, t) = -f_z^{(2)}(x, t) = \frac{1}{2} (F_z^{(1)} - F_z^{(2)}).$$

Бундан ташқари ўрта қатламнинг четки қатламлар билан контакт сиртларида қатламлар орасида узилишлар йўқ ва қатламлар бир-бирига

нисбатан силжмайди деб фараз қилинади. У ҳолда  $z = \pm h_0$  текисликларда қуйидаги динамик ва кинематик контакт шартлар қаноатлантирилиши керак

$$\sigma_{zz}^{(0)}(x, z, t) \Big|_{z=\pm h_0} = \begin{cases} \sigma_{zz}^{(1)}(x, z, t) \Big|_{z=h_0} + f_z^{(1)}, \\ \sigma_{zz}^{(2)}(x, z, t) \Big|_{z=-h_0} - f_z^{(2)}, \end{cases} \quad \tau_{xz}^{(0)}(x, z, t) \Big|_{z=\pm h_0} = \begin{cases} \tau_{xz}^{(1)}(x, z, t) \Big|_{z=h_0} + f_x^{(1)}, \\ \tau_{xz}^{(2)}(x, z, t) \Big|_{z=-h_0} + f_x^{(2)}, \end{cases} \quad (8)$$

$$\tau_{yz}^{(0)}(x, z, t) \Big|_{z=\pm h_0} = 0,$$

$$\text{ва} \quad U_0(x, z, t) \Big|_{z=\pm h_0} = \begin{cases} U_1(x, z, t) \Big|_{z=h_0}, \\ U_2(x, z, t) \Big|_{z=-h_0}, \end{cases} \quad W_0(x, z, t) \Big|_{z=\pm h_0} = \begin{cases} W_1(x, z, t) \Big|_{z=h_0}, \\ W_2(x, z, t) \Big|_{z=-h_0}. \end{cases} \quad (9)$$

Вақтнинг  $t = 0$  пайтида (3) тенгламалардаги потенциал функциялар учун бошланғич шартлар қуйидаги кўринишга эга бўладилар

$$\varphi_m = \psi_m = 0, \quad \frac{\partial \varphi_m}{\partial t} = \frac{\partial \psi_m}{\partial t} = 0. \quad (10)$$

Қўйилган масалани ечиш учун пластинка сиртларига қўйилган ташқи таъсир функциялари қуйидаги кўринишида тасвирланган

$$f_x^{(1,2)}(x, t) = \int_0^\infty \frac{\cos kx}{\sin kx} \Big\} dk \int_{(t)} \tilde{f}_x^{(1,2)}(k, p) e^{pt} dp, \quad f_z^{(1,2)}(x, t) = \int_0^\infty \frac{\sin kx}{-\cos kx} \Big\} dk \int_{(t)} \tilde{f}_z^{(1,2)}(k, p) e^{pt} dp. \quad (11)$$

Ташқи таъсир функцияларининг қабул қилинган тасвирларига мос равишда юқорида шакллантирилган масаланинг ечимини ҳам (11) кўринишда изланади. Потенциал функцияларнинг ушбу тасвирларини (3) тенгламалар системасига қўйиш, Бесселнинг дифференциал тенгламаларига олиб келади

$$\frac{d^2 \tilde{\varphi}_m}{dz^2} - \alpha_m^2 \tilde{\varphi}_m = 0; \quad \frac{d^2 \tilde{\psi}_m}{dz^2} - \beta_m^2 \tilde{\psi}_m = 0; \quad (m = 0, 1, 2), \quad (12)$$

бу ерда

$$\alpha_m^2 = k^2 + \rho_m p^2 \tilde{R}_m^{-1}, \quad \beta_m^2 = k^2 + \rho_m p^2 \tilde{R}_{\mu m}^{-1}, \quad \tilde{R}_m = (\lambda_m + 2\mu_m) [1 - \tilde{K}_{\lambda m}(p)],$$

$$\tilde{R}_{\mu m} = \mu_m [1 - \tilde{K}_{\mu m}(p)], \quad \tilde{K}_{im}(p) = \int_0^\infty K_{im}(\tau) e^{-p\tau} dt, \quad \arg \alpha = \arg \beta = 0, \quad p > 0. \quad (13)$$

Олинган (12) тенгламаларнинг умумий ечимлари гиперболик функциялар комбинациялари кўринишида олинган

$$\tilde{\varphi}_m(z, k, p) = A_1^{(m)}(k, p) ch(\alpha_m z) + A_2^{(m)}(k, p) sh(\alpha_m z);$$

$$\tilde{\psi}_m(z, k, p) = B_1^{(m)}(k, p) sh(\beta_m z) + B_2^{(m)}(k, p) ch(\beta_m z), \quad (m = 0, 1, 2). \quad (14)$$

Антисимметрик тебранишларни ташқи антисимметрик таъсирлар пайдо қилади. Шунинг учун  $f_x^{(1)}(x, t) = f_x^{(2)}(x, t)$ ,  $f_z^{(1)}(x, t) = -f_z^{(2)}(x, t)$ . Ушбу муносабатлар (14) ечимнинг антисимметрик тебранишларни тавсиф этишлари учун  $A_1^{(m)} = 0$ ,  $B_1^{(m)} = 0$ , ( $m = 0, 1, 2$ ) тенгликлар бажарилишини тақозо қилади. У ҳолда пластинканинг кўндаланг (антисимметрик) тебранишлари ҳолида (14) умумий ечимлар қуйидаги кўринишда бўлишлари зарур

$$\tilde{\varphi}_m(z, k, p) = A_2^{(m)}(k, p) sh(\alpha_m z), \quad \tilde{\psi}_m(z, k, p) = B_2^{(m)}(k, p) ch(\beta_m z). \quad (15)$$

$U_m$  ва  $W_m$  кўчишларни (15) ечимлар орқали ифодалаш учун улар ҳам (11) кўринишида тасвирланган ва улар (6) формулаларига қўйилиб

кўчишларнинг  $\tilde{U}_m$  ва  $\tilde{W}_m$  тасвирлари  $\tilde{\varphi}_m$  ва  $\tilde{\psi}_m$  лар орқали ифодаланган ва (15) ечимлар ёрдамида қуйидаги қийматлар ҳосил қилинган

$$\begin{aligned}\tilde{U}_m &= kA_m^{(2)} sh(\alpha_m z) - \beta_m B_m^{(2)} sh(\beta_m z); \\ \tilde{W}_m &= \alpha_m A_m^{(2)} ch(\alpha_m z) - k B_m^{(2)} ch(\beta_m z). \quad (m = 0, 1, 2)\end{aligned}\quad (16)$$

Диссертациянинг «Уч қатламли қовушоқ-эластик пластинка ностационар кўндаланг тебренишлари» деб номланган иккинчи боби доирасида, уч қатламли қовушоқ-эластик, носимметрик структурали пластинканинг кўндаланг (антисимметрик) тебренишлари тенгламалари келтириб чиқарилади. Бунда чегаравий шартлар тўғри (пластинка ташқи сиртлари нукталаридаги кучланишларга нисбатан) шакллантирилган ҳолда, эслатилган аниқ ечимлар методидан қовушоқ-эластиклик назарияси текис масаласи доирасида фойдаланилган.

